

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 21

«16» август 2022 йил

“ASKAR BISTRO UNIVER” ХК кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи директор **Холов А.Х.** номидан бир томондан ва **Самарқанд давлат чет тиллар интитутути**, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг устави асосида иш юритувчи ректор **Тухтасинов И.М.** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ШХТ саммити доирасида Самарқанд шахрига ташриф буюрадиган делегацияларга институтдан кўнгилли таржмон сифатида бириктирилган 200 нафар профессор-ўқитувчи ва талабалар учун ўқув семенари ташкил этиш ҳамда ўқув семенари давомида (3 кун) овкатланиши (кофе-брейк) ташкил этиш учун (кейинги ўринларда - “Хизматлар” деб юритилади) кўрсатиш, “Буюртмачи” ушбу “Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Хизматлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи”дан “Хизматлар” “Буюртмачи”нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомога мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” шунга ўхшаш “Хизматлар” билан алмаштирилишини;

- “Хизматлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ташқари маблағлари “Бажарувчи” билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бошқармаси рўйхатидан ўтказгандан сўнг 2 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомога мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг “Хизматлар”ни кўрсатиш;

2.4.2. “Буюртмачи”га “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар “Хизматлар”ни кўрсатиш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 1 кун муддатда текин тузатиб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 57000000 (Эллик етти миллион) сўм деб белгиланди. Бажариладиган ишлар (хизматлар) учун олдиндан тўлов миқдори 30 % ни ташкил қилади.

3.2. Қолган 70 % фоизлик тўлов шартномани амал қилиш муддати тугаганга қадар тўлиқ амалга оширилиши шарт.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма" чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампда кўрсатилган сана "Хизматлар" га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар" ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар" нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи" нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи" нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар" нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи" ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар" нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар" нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи" га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар" нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи" га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ҳизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи" га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ

бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи" га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи" ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи" нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи" нинг айби билан шартноманинг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланеди.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7.3 Мазкур шартнома 57000000 сўм, № 20 сонли шартнома 2022 йил «16» августда 2 нусхада тузилган бўлиб 2022 йил «16» августдан 2022 йил «31» декабргача амал қилади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарқанд вилоят газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга кирази

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.)

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

“ASKAR BISTRO UNIVER” ХК

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Манзил: Самарқанд шаҳар Бўстонсарой
кўчаси 93 уй
Тел./факс+99891 548-61-16
Х/в 20208000200717779001
Банк номи ОАТБ “ASIA ALLIANCE BANK”
Самарқанд филиали МФО 01143
СТИР 304573384 ОКОНХ 56100

Манзил: Самарқанд шаҳар Бўстонсарой
кўчаси 93 уй
Тел./факс 238-29-50, 238-29-37
ш/х* 400910860184017094100079006
бюджетдан маблағ олувчи СТИР 202001213
ОКЭД 85420
Молия Вазирлиги Ҳазначилиги Ягона газна
ҳисобвараги 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк ХККМ
Тошкент шаҳар бош Бошқармаси МФО
00014 Ҳазначилик бошқармаси 201122919

Директор:  Холов А.Х.


Ректор:  Тухтасинов.И.М

Ҳуқуқшунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

Ҳуқуқшунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:



ШХТ саммити доирасида Самарканд шаҳрига ташриф буюрадиган делегацияларга институтдан қўнғилли таржмон сифатида бириктирилган 200 нафар профессор-ўқитувчи ва талабалар учун ўқув семенари ташкил этиш ҳамда ўқув семенари давомида (3 кун) овкатланиши (кофе-брейк) ташкил этиш учун

Т А О М Н О М А

№	маҳсулот номи	бир маҳсулотнинг		жами маҳсулот	
		ўлчов бирлиги	миқдори	нархи	жами сумма
1	Кофе-сливочный (100гр)	дона	400	3000	1 200 000
2	Кофе-чёрный (100гр)	дона	200	3000	600 000
3	Бургер с сыром (600гр)	дона	600	25000	15 000 000
4	Мулатка (970гр)	дона	90	47000	4 230 000
5	"Coca-cola" ичимлиги (1,5 л)	дона	60	14000	840 000
6	"Fanta" ичимлиги (1,5 л)	дона	60	14000	840 000
7	"Sprite" ичимлиги (1,5 л)	дона	60	14000	840 000
8	"Nestle Pure Life" ичимлиги (1,5 л)	дона	90	5000	450 000
9	Мин сув (0,5)	дона	600	3000	1 800 000
10	Пирожное (100гр)	дона	600	5500	3 300 000
11	Сомса (гўшли) (150гр)	дона	600	5500	3 300 000
12	Чой	дона	600	500	300 000
13	Рафинад 100гр	дона	600	600	360 000
14	Сыр с мёдом (4 хил сыр, мед, маслина 2 хил, арех) (800гр)	дона	90	47000	4 230 000
15	Бутурброд (Колбасный осорти)	дона	600	8000	4 800 000
16	Мева асарты	порц	110	50000	5 500 000
17	Хизмат хаки ва бошқа харажатлар	хизмат			9 410 000
Жами:					57 000 000

«Ижрочи»

«ASKAR BISTRO UNIVER' XK
Директор:  Холов А.Х



«Буюртмачи»

Самарканд давлат ҳаёт тиллар институти
Ректор:  Тухтасинов И.М





O'zbekiston Respublikasi
Samarqand shahar hokimligi

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

GUVOHNOMA

Reestrdaqi tartib raqami: 15141
2017 yil 26 yanvar

№ 09384

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs

«ASKAR BISTRO UNIVER»

Xususiy korxonasiga berilgan

(to'zbek tilidagi to'liq nomi)

Tashkiliy-huquqiy shakli

THSI

110

Mulkiylik shakli

MSB

114

Pochta manzili

MHOBT

1718401

Yuridik shaxs kodi

KTUT

26823851

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami

STIR

304573384

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Samarqand shahar hokimligi
xuzuridagi "Yagona darcha"
markazi direktori

S. Shodiboyev



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
 Самарқанд давлат чет тиллари
 институти ректори
 И.М. Тухтасинов
 2022 йил 16 август

МУХР

Институт учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озик-овқат, дори-дармон ва бошқа жихозларни харид қилиш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши

БАЁНИ

2022 йил «16» август

Самарқанд шаҳри

Раислик қилувчи
 Комиссия раиси
 ўринбосарлари
 Иштирок этдилар

Кузиев З.Б.
 Ғайбуллаев О.М.
 Абдирахимов Н.О
 Саломов И.Т.
 Ялгашов Б.Т.
 Қораев А.Ф.
 Исроилов С.А.

КУН ТАРТИБИ:

ШХТ саммити доирасида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрадиган делегацияларга институтдан кўнгилли таржмон сифатида бириктирилган 200 нафар профессор-ўқитувчи ва талабалар учун ўқув семенари ташкил этиш ҳамда ўқув семенари давомида (3 кун) овқатланиши (кофе-брейк) ташкил этиш бўйича 2022 йил 05 августда etender.uzex.uz сайтининг электрон савда парталига жойлаштирилган № 22110012132565 эълон бўйича ASKAR BISTRO UNIVER ХК ва MOXIGUL SHIRIN TAOMLARI ХК лар таклифларни жойлаштирган.

Комиссия томонидан электрон тартибда имзоланган баённомага асосан ASKAR BISTRO UNIVER ХК ғолиб деб топилди.

Баённома натижалари бўйича комиссияга 2 кун мобойнида қатнашувчилар ва бошқа кузатувчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганини маълум қиламиз. Шу муносабат билан танловда ғолиб топилган ASKAR BISTRO UNIVER ХК корхонаси билан шартнома имзолашга ҳеч қандай эътирозлар йўқ.

Кузиев З.Б.
 Ғайбуллаев О.М.
 Абдирахимов Н.О
 Саломов И.Т.
 Ялгашов Б.Т.
 Қораев А.Ф.
 Исроилов С.А.